



INDIVIDUAL RESPONSIBILITY IN INTERNATIONAL CRIMINAL LAW

Ravshan Tulkunovich Hakimov

Professor of Sarbon University

Doctor of Law (DSc)

E-mail: ngo_uzail@mail.ru

Tashkent, O'zbekistan

Dilafruz Khoshimovna Madaminova

Independent Researcher

University of World Economy and Diplomacy

E-mail: dilishxon18@icloud.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: ICC Statute, subjects of crime, individual responsibility, private concept of crime, objective aspect of crime, subjective aspect of crime, grounds for exemption from punishment, presumed intent, exemption from liability for intentional killing of innocent civilians, war crimes, personal immunity, treaties on immunities, military or quasi-military commander.

Received: 21.06.26

Accepted: 22.06.26

Published: 23.06.26

Abstract: This article examines the fundamental concepts of international criminal law based on the Statute of the International Criminal Court. It highlights key points from this normative document and describes military situations, as well as certain crimes in international criminal law. It provides definitions of terms such as subjects of international criminal law, their subjective and objective aspects, specific understandings of crime, the status of military or quasi-military commanders in certain situations, and the status and protection of civilians during military operations. The issue of the culpability and responsibility of minors in international criminal law is also addressed.

ХАЛҚАРО ЖИНОЯТ ҲУҚУҚДА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Равшан Тулкунович Ҳакимов

Сарбон Университети профессори, юридик фанлар доктори

ngo_uzail@mail.ru

Тошкент, Ўзбекистон

Дилафруз Хошимовна Мадаминава

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети

мустақил тадқиқотчиси

dilishxon18@icloud.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ХЖС Статути, жиноят субъектлари, индивидуал жавобгарлик, жиноятнинг хусусий тушунчаси, жиноятнинг объектив томони, жиноятнинг субъектив томони, жазодан озод қилиш учун асослар, эҳтимол тутилган қасд, айбсиз фуқароларни қасддан ўлдирганлик учун жавобгарликдан озод этиш, ҳарбий жиноятлар, шахсий дахлсизлик, Иммунитетлар тўғрисидаги битимлар, вояга етмаганлик, ҳарбий ёки квази-ҳарбий кўмондон.

Аннотация: ушбу мақолада Халқаро жиноий суди Статутига асосланган халқаро жиноят ҳуқуқининг асосий тушунчалари кўриб чиқилади. Унда мазкур меъёрий ҳужжатнинг асосий фикрлари ёритилган, ҳарбий ҳолатлар, шунингдек, халқаро жиноят ҳуқуқидаги айрим жиноятлар тавсифланган. Бундан ташқари халқаро жиноят ҳуқуқи субъектлари, уларнинг субъектив ва объектив томонлари, жиноятнинг хусусий тушунчаси, муайян вазиятларда ҳарбий ёки квазиҳарбий кўмондонларнинг мақоми, ҳарбий ҳаракатлар пайтида тинч аҳолининг мақоми ва ҳимояси каби атамаларга таърифлар берилган. Халқаро жиноят ҳуқуқида вояга етмаганларнинг айбдорлиги ва жавобгарлиги масаласи ҳам кўриб чиқилади.

ИНДИВИДУАЛЬНАЯ УГОЛОВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ В МЕЖДУНАРОДНОМ УГОЛОВНОМ ПРАВЕ

Раъшан Тулкунович Хакимов

Профессор Университета «Сарбон»

доктор юридических наук

E-mail: ngo_uzail@mail.ru

Ташкент, Ўзбекистон

Дилафруз Хошимовна Мадаминова

Независимый исследователь,

Университет мировой экономики и дипломатии

E-mail: dilishxon18@icloud.com

Ташкент, Ўзбекистон

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Устав МУС, субъекты преступления, индивидуальная ответственность, частное понимание преступления, объективный аспект преступления, субъективный аспект преступления, основания для освобождения от наказания, презумпция умысла, освобождение от ответственности

Аннотация: в статье рассматриваются основные понятия международного уголовного права исходя из Статута Международного уголовного суда. Указываются на основные моменты из нормативного акта и описываются военные ситуации, а также, некоторые преступления в международном уголовном

за умышленное убийство мирных жителей, военные преступления, личный иммунитет, Договоры об иммунитетах, несовершеннолетние, военный или квазивоенный командир.

праве. Приведены определения таким терминам, как субъекты международного уголовного права, их субъективные и объективные стороны, частное понимание преступления, статусы военного или квазивоенного командира в определённых положениях, состояние и защита мирных жителей во время военных действий. Поднимается вопрос о виновности и ответственности несовершеннолетних лиц в международном уголовном праве.

Kirish. Кириш. Ўзбекистон Республикаси Халқаро жиноят судига аъзо бўлмаса-да, халқаро жиноят ҳуқуқининг умумий тамойиллари асосида халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик олиб боради. Мамлакатимиз жиноят ишлари бўйича ҳамкорликда, жумладан, экстрадиция ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида ўз қонунчилигини халқаро стандартларга мослаштирмакда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳририда ҳам инсонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг ҳаёти, шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқлари давлат ҳимояси остида эканлиги қонуан мустаҳкамлаб қўйилган [1]. Бундан ташқари БМТ Низомининг кириш қисмида ташкилотнинг асосий вазифаси сифатида, “...келажак авлодларни, ҳаётимизда икки марта инсониятга тасаввур қилиб бўлмас даражада қайғу келтирган уруш балосидан асрашни, ва инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шаъни ва қадр-қиммати, эркалар ва аёллар тенглигига ҳамда катта ва кичик миллатларнинг тенг ҳуқуқчилигига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлашни, ва адолат ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларида келиб чиққан мажбуриятларига ҳурматни таъминлайдиган шароитларни яратишни ва ижтимоий тараққиётга ва кенгрок эркинлик шароитида турмуш даражасини яхшилашга ёрдам беришни хоҳлар эканмиз,..” [2] деб таъкидланган. Миллий қонунчилигимизда эса, яъни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 1-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг жиноят тўғрисидаги қонунчилиги Конституция ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган нормаларига асосланган бўлиб, ушбу Кодексдан иборатдир” [3], дейилган. ХЖС Статути 1-моддасига мувофиқ, унинг вазифаси жуда жиддий жиноятлар учун жавобгар бўлган шахсларга нисбатан юрисдикцияни амалга оширишдан иборат. ХЖС Статути 25-моддаси 1-хатбошисига кўра, жиноят субъектларига давлат ёки ташкилотлар эмас, балки фақат жисмоний шахслар киради [4]. Нюрнбергда Иккинчи жаҳон урушининг бош ҳарбий жиноятчиларни суд қилган ХХТ жиноятлар мавҳум субъектлар томонидан эмас, балки кишилар томонидан содир этилади ва айнан кишилар жавобгарликка тортилиши лозим,

деган хулосага келди. ХЖС Статути бўйича жиноий жавобгарлик жамоавий бўлмай, индивидуалдир. Юридик шахс ёки шахслар гуруҳи ўз-ўзича жиноий жавобгар бўлмайди, шунинг учун гуруҳ аъзолари улар гуруҳга мансубликларига асосланибгина гуруҳ томонидан содир этилган жиноятда айбдор деб топилмайдилар. Алоҳида шахснинг жавобгарлик даражаси унинг шахсий ҳиссасига қарабгина эмас, балки гуруҳ таркибидан фойдаланганлик фактига қараб ҳам белгиланади.

Индивид умумий коллектив жиноятга қўшиладиган бир марталик халқаро жиноятни содир этганлиги учун жавобгар бўлади. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ жиноятлар индивидумлар томонидан ўзлари бир қисми бўлган бир тизим, ташкилот ичида содир этилади. Индивидга унинг ташкилотдаги функцияси ва умумий жиноятга қўшган ҳиссаси каби вазиятлардан келиб чиқиб унинг умумий жиноятдаги айби қўйилади.

Халқаро жиноятни содир этганлик учун индивидуал жавобгарлик халқаро ҳуқуқ нормаларидан тўғридан-тўғри келиб чиқади. ХЖС Статути 2-моддаси 1-хатбошисидаги ўз ваколатига асос қилиб оладиган жиноят иштирокчиларини жазолаш ҳуқуқи ҳам тўғридан-тўғри халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқади [5]. Шунинг учун халқаро жиноят миллий ҳуқуқда тегишли жиноий-ҳуқуқий тақиқлар бор-йўқлигидан қатъий назар жазога тортилади. Бу принцип ХЖС Статути 25-моддаси 2-хатбошисида таърифлаб берилган [6]. Кўпинча шундай бўладики, агар миллий ҳуқуқ ҳатто бирон-бир жиноят учун жавобгарликни махсус назарда тутмаса ҳам, ҳуқуқбузар халқаро ҳуқуқ бўйича жиноий жавобгарликдан барибир қочиш қутула олмайди.

Халқаро жиноят ҳуқуқи тузилмаси. АҚШ, Буюк Британия жиноий-ҳуқуқий доктринаси жиноятнинг икки қисмга бўлинган таърифидан келиб чиқади: уни «offence»га ҳамда «defences»га бўлади. Биринчиси жиноий жавобгарликни асослаб берувчи вазиятларни ўз ичига олади. Кейингиси эса жавобгарликни ёки қилмишнинг жиноийлигини истисно этувчи вазиятларни ўз ичига олади.

Континентал Европа олимларининг кўпчилиги, АҚШ, Буюк Британия доктринасидан фарқли равишда, жиноят (деликт)нинг уч қисми таркибидан келиб чиқишади. Бу: жиноят, қонунга зидлик ва айб.

Халқаро жиноят ҳуқуқи негизида жиноятнинг хусусий тушунчаси ётади. ХЖС Статути қоидаларида халқаро жиноятни уч қисмга бўлинади:

жиноятнинг объектив томони;

жиноятнинг субъектив томони;

жазодан озод қилиш учун асослар.

Жиноят тушунчаси таърифнинг ўзидан ташқари кўпроқ жиноий процессга тааллуқли бўлган, тўлиқ жиноий жавобгарликка қарамай, жиноий таъқиб қилишга тўсқинлик қилувчи бирон-бир нарса мавжуд эмасми, деган масала долзарб бўлиб қолмоқда.

Жиноятнинг объектив томони. Жиноятнинг объектив томони халқаро жиноятнинг ташқи манзарасини тавсифловчи барча аломатларни ўз ичига олади. Қонунбузарнинг индивидуал ҳаракати муайян жиноят натижасига олиб келиши лозим. Жиноятчининг ҳаракати натижанинг сабаби бўлмоғи лозим. Халқаро жиноят ҳуқуқига кўра индивидуал жиноятга айлантирадиган йўлдош вазиятлар шунга киради. Бунга ХЖС Статути 7-моддаси бўйича инсониятга қарши жиноятларда «фуқаро аҳолига кенг кўламда ёки мунтазам ҳужум қилиш» киради. Жиноятнинг объектив аломатлари 6-8-моддалардан ҳамда жиноятлар элементлари (elements of crimes)дан келиб чиқади [7].

Жиноятнинг субъектив томони [8]. Халқаро одат ҳуқуқи бўйича ҳозиргача жавобгарлик чораларини қўллаш учун гарчи жиноятчининг жиноятга нисбатан муайян ички муносабати талаб этилиши тан олинса-да, бироқ ҳали у аниқ тартибга солинмаган. ХЖС Статути 30-моддасида жиноятнинг субъектив аломатлари илк бор баён этилган. Уларга жиноятлар таркибига тааллуқли бошқа субъектив аломатлар қўшилиши мумкин.

ХЖС Статути 30-моддаси 1-хатбошисига кўра, агар жиноят қасддан ва англандан ҳолда содир этилган бўлсагина шахс суд юрисдикциясига кирувчи жиноят учун жиноий жавобгарликка ва жазога тортилади. Модданинг 2 ва 3-хатбошилари ушбу қондани аниқлаштиради. Жиноятчининг муваффақиятга олиб келувчи ҳаракатлари унинг иродаси билан амалга оширилган бўлиши лозим. 2-хатбоши в) бандига кўра, жиноятчи ўз ҳаракатлари билан оқибатга эришишни истаса, шунингдек, жиноятчининг бундай нияти бўлмагани ҳолда воқеаларнинг оддий боришида оқибат юзага келиши мумкинлигини тушунса, шахс қасд қилган бўлади.

Адабиётларда ХЖС Статути 30-моддаси маъносига кўра эҳтимол тугилган қасд буткул истисно этиши мумкин бўлмаслигидан келиб чиқилади, чунки 30-модданинг 1-хатбошисидан жиноятларнинг субъектив аломатлари концепцияси бошқа кўрсатмалар бўлмаганида амал қила бошлаши мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан, масалан, «жиноят элементларидан» ёки халқаро одат ҳуқуқидан келиб чиқиб қасднинг бошқа таърифлари бўлиши мумкинлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Умумий муқаддима қисмининг 2-бандида жиноят элементлари, агар улар Статутга очикдан-очик асосланганда ҳам, конкрет ҳолатда қўлландиган ҳуқуққа асосланиб ҳам ХЖС Статути 30-моддаси кўрсатмаларидан оғишни мумкин қилиб қўяди. Бу эса халқаро оддий ҳуқуққа ва, хатто, давлат ички ҳуқуқий

меъёрларига ҳаволаш мумкин қилиб қўяди. Муаммонинг реал ечимини ХЖСнинг суд амалиётидагина топилиши мумкин.

«Билим» ва «ирода» деликти субъектив аломатларининг исботланганлиги умумий муқаддима қисми 3-бандига кўра, ишга алоқадор фактлар ва ҳолатлар билан ҳам асосланиши мумкин-ки, бу ЮХЖТ ва РХЖТ суд амалиётида таърифлаб берилган.

Халқаро қаттиқ жиноят қасдсиз содир этганлик учун принципиал жиҳатдан жазога тортилмайди. Раҳбарлар жавобгар бўлган ҳоллардагина (совуққон ҳаракатсизлик) унинг учун жазога тортиш мумкин (қуйида қаранг) [10].

Жавобгарликдан озод қилиш учун асос. ХЖС Статути халқаро жиноят ҳуқуқининг умумий қисмини биринчи бор кодификация қилди. Бунда халқаро ҳуқуққа мувофиқ жазодан озод қилиш асослари илк бор санаб берилган бўлиб, улар бундай ёки шунга ўхшаш шаклда асосан миллий жиноят ҳуқуқида ҳам учрайди.

Шуурсизлик [11]. ХЖС Статути 31-моддаси 1-хатбошиси а) бандига кўра, агар шахс руҳий касаллик ёки ўзининг хатти-ҳаракатлари қонунга зидлигини англаш имкониятидан маҳрум қилувчи касалликдан азоб чекаётган бўлса, қонунга зид қилмиши учун жиноий жавобгар бўлмайди. Статутнинг 31-моддаси, 1-хатбошиси в) бандига мувофиқ алкоғолли ичимликдан маст бўлиш ёки бошқа наркотик моддалар таъсири оқибатидаги вақтинчалик шуурсизлик ҳолатида содир этилган ҳаракат учун жиноий жавобгарлик истисно этилади. Шахс интопсикация оқибатида жиноятдан иборат хатти-ҳаракат содир этиши мумкинлигини билган вазиятларда ўзини алкоғолли ёки наркотик мастликка ихтиёрий ва онгли равишда дучор қилган ҳолатларда бу қоида амал қилмайди.

Ўзини ўзи мудофаа қилиш [12]. Ўзини ўзи мудофаа қилиш мақсадида ҳаракат қилган шахс Статути 31-моддаси 1-хатбошиси с) бандига кўра жиноий жавобгарликдан озод этилади. Ўзини ёки бошқа шахсни бевосита таҳдид солаётган куч ишлатиб ноқонуний қилинадиган ҳужумдан ҳимоялаган киши, агар ўзини ўзи мудофаа қилиш мавжуд таҳдидга монанд бўлса, шу тариқа қонуний ҳаракат қилган бўлади. Ҳарбий жиноятларга келганда, ҳарбий нуқтаи назардан ҳаётий муҳим ёки зарур бўлган моддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳаракати жиноий жавобгарликни истисно этади.

Қуролли кучларнинг мудофаа операциясидаги иштирокининг ҳамма жойда оқланиши бу қоидага кирмайди.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳужумдан ҳимояланувчи ҳимояланишга иродаси бўлиши лозим.

Фавқулодда ҳолат [13]. ХЖС Статути 31-моддаси 1-хатбошиси d) бандига кўра, ҳаётига ёки соғлигига хавф солиниши сабабидан жазоланадиган ҳаракат қилишга мажбур

бўлган шахс ҳам жиноий жавобгарликдан озод қилинади. Бу ўринда гап халқаро амалиётда ҳозирга қадар роль ўйнаб келган, жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг баъзи асосларидан бири ҳақида гап бормоқда.

Жавобгарликдан озод қилиш шартлари объектив равишда фавқулодда ҳолат ва кутқариш бўйича тегишли хатти-ҳаракатлар бўлса, субъектив нуқтаи назардан хавфни бартараф қилишга бўлган ирода ва қўшимча равишда бунда етказилиши мумкин бўлган зиён-заҳматдан ортиқча зиён етказмасликка бўлган иродадир.

Ҳаракат қилаётган шахснинг ўзи ёки учинчи шахс ҳаёт учун бевосита хавф ҳолатида ёки узоқ вақт ёки бевосита оғир жисмоний шикастланиш хавфи остида бўлмоғи лозим. Танг психик ҳолатининг ўзи, агар у оғир жисмоний шикастланш хавфини туғдирмаса, етарли эмас.

Хавфни бошқа шахс ёки бошқа вазиятлар, масалан, табиий ҳодисалар ёхуд техник қурилмалар туғдирадими, бунинг аҳамияти йўқ. Умумий фавқулодда ҳолат ҳам, жисмоний ёки руҳий зўравонлик ишлатишдан келиб чиқадиган ўта зарурат ҳам, бу зўравонликни қўллаш ҳам шунга қаратилган.

Индивид таҳдид солаётган хавф туфайли жиноятни содир этишга мажбур этилган бўлиши даркор.

Индивиднинг муносабати зарурий ва мутаносиб бўлмоғи лозим. Фавқулодда вазиятдаги ҳолат, агар у хавфни бартараф қилишнинг мақсадга мувофиқ ва энг юмшоқ воситаси бўлсагина, зарур ҳисобланади. Ҳаракат юзага келган оқибатлар нуқтаи назардан номонанд бўлмаса, мутаносиб ҳисобланади. Шунинг учун етказилган зиён-заҳмат бартараф қилинган зиён-заҳматдан ортиқ бўлмаслиги даркор.

Фавқулодда вазиятларда бу қоида айбсиз фуқароларни қасддан ўлдирганлик учун жавобгарликдан озод этиш имконини берадики, бу жиноят ҳуқуқининг континенталь-европача тушунишга мувофиқ келади. Бироқ бу Бражен Ердемовичга қарши ишда, Англия-Америка ҳуқуқий анъанасига мувофиқ фақат жазони юмшатишга сабабни кўрган ХЖС юрисдикциясига зиддир.

Қонунбузар хавф-хатардан эҳтиёт бўлиб ҳаракат қилиши лозим. Қонунбузар ҳаракатининг бошқа сабаблари зиён етказадиган бўлмаслиги керак. Буни қўшимча равишда қонунбузар ўзи ҳимояланаётган зиёндан ортиқ ҳажмда зиён етказмаслиги даркорлигидан келиб чиқиши зарур.

Агар қонунбузар ўзини ўзи хавф-хатарга қўйган бўлса, жиноий жавобгарликдан озод қилиш истисно этилади. Бунда, агар қонунбузар ўз ихтиёри билан ўзини хавф-хатарга

кўйган бўлса, жазодан озод этиладими, деган масала Статутда тартибга солинмаган, суд ихтиёрига берилган.

Суд ҳар бир алоҳида ҳолатда қонунбузарнинг аҳволи ва функциясини ҳисобга олиши керак. Чунончи, қуролли кучлар хизматчиларига хавф-хатарга фуқаро аҳолига қараганда кўпроқ дучор бўлиш мажбурияти юкланган.

Буйруқ бўйича ҳаракат қилиш [14]. ХЖС Статути 33-моддасида буйруқ-кўрсатма бўйича ҳаракат қилиш истисно ҳолатларда қонунбузарни жиноий жавобгарликдан озод қилиши мумкинлиги назарда тутилган.

Истисно ҳарбийлар, шунингдек, фуқаролар жумласидан бўлган тобелар учун амал қилади. Бунга фақат ҳарбий жиноятлар содир этилганда йўл қўйилади. Кўрсатма ёки буйруқ қасддан ноқонуний берилмаган бўлиши жавобгарликдан озод этиш шартларидан биридир. Бироқ ХЖС Статути 33-моддаси 2-хатбошисида геноцидни ёки инсониятга қарши жиноятларни содир этиш тўғрисидаги кўрсатмалар қасддан ноқонуний эканлиги белгилаб қўйилган.

Статут ноаён ноқонунийлик шартидан ташқари, қонунбузар, бир томондан, бўйсунишга мажбур бўлганлиги, бинобарин, кўрсатма ёки буйруқ ноқонунийлигини билмаган бўлишини талаб қилади.

Ушбу шарт-шароит жамулжам ҳолда мавжуд бўлгандагина ҳарбий жиноят учун жазолаш бекор қилиниши мумкин.

Статут ушбу қоида билан халқаро оддий ҳуқуқ меъёрларидан ва Нюрнберг халқаро жиноят амалиётидан ҳамда БМТ халқаро трибуналларидан чекинади. Буйруқ ёки кўрсатма билан ҳаракат қилиш ҳозирга қадар жазони юмшатиш имкониятини бериб келганди, холос.

ХЖС Статути 30-моддаси фавқулодда ҳолатдаги ҳаракат каби, жиноий жавобгарликдан озод этувчи бошқа асослари қаторида қўлланилади. Қонунбузар, айни вақтда, жавобгарликдан озод бўлишнинг иккала сабабига ҳавола қилиши мумкин.

Янглишиш [15]. ХЖС Статути 32-моддаси қонунбузарнинг хатоси (янглишиш) қандай ҳолатларда уни ўз ҳаракати учун жиноий жавобгар бўлишни истисно этиш масаласини тартибга солади.

Факт борасида янглишиш ва ҳуқуқ борасида янглишиш фарқланади. Жиноятнинг субъектив аломатлари янглишиш оқибатида бекор бўлганидагина янглишиш турлари жазодан озод этишга олиб келади. Шу боис ХЖС Статути 32-моддаси ХЖС Статути 30-моддаси билан бир қаторда, умуман, мустақил аҳамиятга эга эмас, бироқ Англия-Америка ҳуқуқи анъаналарига мувофиқ, жавобгарликдан озод этиш асос сифатида текшириб кўрилади.

Факт борасида янглишиш, агар у ушбу жиноятнинг зарурий субъектив томонини истисно этсагина жиноий жавобгарликдан озод этиш учун асос бўлади. Жиноий жавобгарликдан озод бўлишнинг асосига тааллуқли янглишиш, масалан, ўзини ўзи мудофаа қилиш вазияти сингари, ХЖС Статути 32-моддасига тўғри келмайди ва принципда шахсни жиноятдан озод этиш имконини бермайди. Эҳтимол, ХЖС бундай асосни ХЖС Статути 31-моддаси 3-хатбошиси орқали эътироф этар [16].

Хатти-ҳаракатнинг муайян типи Суд юрисдикциясига тааллуқли жиноят бўладими, деган масалага тааллуқли ҳуқуқ борасида янглишиш жиноий жавобгарликдан озод этиш учун асос бўлмайди. ХЖС Статути 33-моддасига мувофиқ асос бўлса (қиёслаш учун юқоридаги Бўйрук бўйича ҳаракат қилишга қаранг) ёки янглишиш туфайли жиноятнинг субъектив аломатлари бекор бўлсагина бошқаси амал қилади. Бинобарин, қонунбузар ўз хатти-ҳаракатининг қонунийлиги борасида янглишган бўлса, бу уни жиноий жавобгарликдан озод этмайди. Бундай ҳолатда жазо юмшатилиши мумкин, холос.

Агар қонунбузар жиноят таркибининг норматив аломати борасида янглишса, жазо бекор қилинади. Бунга, масалан, ХЖС Статути 8-моддаси 2-хатбошиси а) бандининг 6-кичик банди тўғри келади [17].

Жавобгарликдан озод этишнинг ёзилмаган сабаблари. ХЖС Статути 31-моддаси 3-хатбошисига мувофиқ, Халқаро жиноят суди жавобгарликдан озод этишнинг Статутда айтиб ўтилмаган бошқа асосларини ҳам ҳисобга олиши мумкин. Улар ХЖС Статути 21-моддаси [18] маъносида Суд қўллаётган ҳуқуқдан, яъни, хусусан, халқаро оддий суддан ёки айрим давлатлар ҳуқуқий меъёрларидан олиш мумкин бўлган умумэтироф этилган ҳуқуқий принциплардан ҳам келиб чиқиши мумкин.

Функционал дахлсизлик. Халқаро ҳуқуқ дахлсизликни муайян лавозим функциялари ҳамда муайян лавозимни эгалловчи шахслар билан боғлайди. Дахлсизлик билан бундай ҳимоялаш икки асосга: биринчидан, давлатларнинг суверен тенглигига (ҳеч қайси давлат бошқасини суд қила олмайди) ва, иккинчидан, ҳаракат ва кўчишнинг зарурий ташқи эркинлиги билан давлатлараро ўзаро таъсир бўйича функционал имкониятни сақлаб қолиш дахлсизлигига таянади.

Жиноий таъқиб қилиш учун асослар. Жиноий таъқиб қилиш учун асослар жиноий ҳуқуқнинг ҳаракат соҳасидан ташқарида қолади. Улар жазога лойиқликнинг ўзига эмас, балки жиноий таъқибга йўл қўйиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги масаласига тааллуқлидир.

Шахсий дахлсизлик. Моддий-ҳуқуқий жиҳатга тааллуқди бўлган функционал дахлсизликдан фарқли равишда шахсий дахлсизлик фақат процессуал нормаларда

мавжуддир. Бироқ шахсий иммунитет ҳам (масалан, давлат бошлиқлари) суд томонидан жинойт таъқиб қилинишдан ҳимоя қилолмайди. Шахсий иммунитетнинг амал қилиши ХЖС Статути 27-моддаси 2-хатбошиси билан истисно этилган [19].

АҚШ томонидан кўп давлатлар билан ўз фуқароларини ҳимоя қилиш учун тузилган, орасида Статут иштирокчиси бўлган бир неча давлат ҳам бўлган Иммунитетлар тўғрисидаги битимлар (bilateral immunity agreements – BIAS) ҳам бундан мустасно эмас. Бунда АҚШ ХЖС Статути 98-моддаси 2-хатбошисига ҳавола қилади. Бу қоида Статут иштирокчиси бўлган давлатларнинг аллақачон тузилган шартномалардан, айниқса, қуроли кучларга оид халқаро шартномалардан келиб чиққан халқаро мажбуриятларини бажаришларига тўсқинлик учунгина қўшилган. Бироқ бу Статут мазмунига мос келмайдиган Янги битимлар тузиш учун асос бўлмайди [20].

Бу шартномалар, жумладан, ХЖСда жинойтларни таъқиб қилишга тўсқинлик қилмайди, улар фақат Суд томонидан топшириш тўғрисида талаблар сурилишини тақиқлаб қўйиши мумкин. ХЖСнинг бундай талабларининг асослилиги ҳар бири алоҳида текширилиши лозим.

Иккиёқлама жазолаш/таъқиб қилишнинг тақиқланиши. ХЖС Статути 20-моддаси 1-хатбошисига мувофиқ, ҳеч қандай шахс аввал айбдор деб топилган ёки оқланган жинойт учун ХЖСда судланиши мумкин эмас. 20-модда 3-хатбошисига кўра, ушбу қоида шахс ўз қилмиши учун бошқа (миллий ёки халқаро) суд олдида жавоб берган ҳолларда ҳам амал қилади. Агар суд жараёни шахсни халқаро ҳуқуқ бўйича жинойт содир этганлиги учун жинойт жавобгарликдан озод этиш мақсадини кўзлаган бўлса ёки жараён тегишли шахсни самарали таъқибдан ҳимоя қилиш лозим бўлган бўлса, бу принципни қўллаб бўлмайди [21].

Белгиланган муддатнинг ўтиши [22]. ХЖС Статути 2-моддасига кўра, Суд юрисдикциясига кирувчи жинойтларга нисбатан ҳеч қандай ўтадиган муддат белгиланмайди. Шу боис белгиланган муддат ўтиб кетганлиги учун жавобгарликдан озод этиб бўлмайди.

Вояга етмаганлик [23]. ХЖС Статути 26-моддасига мувофиқ, Суд тахмин қилинаётган жинойт содир этилган вақтда 18 ёшга тўлмаган ҳеч қандай шахсга нисбатан юрисдикцияга эга эмас.

Шахснинг ўзи томонидан жинойт (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилган вақт муҳим, агар гап бир қанча ҳаракат ҳақида бораётган бўлса, охириги муҳим.

Бола ёшидаги шахсларнинг жавобгарлиги Римдаёқ истисно этилган. Бироқ у болаларнинг ортида турган, улардан аскар сифатида фойдаланаётган катта ёшли шахсларни жазолашни истисно этмайди.

Амнистия ва афв этиш. Амнистиянинг амал қилиши масаласи ХЖС Статутида онгли равишда очик қолдирилганди. Бироқ Статут муқаддимасида (4-6-хатбошилар) халқаро ҳуқуқ томонидан асос солинган Статутда зикр этилган жиноятлар учун жазолаш вазифасига эътибор қаратади.

Бошқа томондан, Статут давлатларга, агар акс ҳолда кейинги барқарорлик ва тинч жараёнга хавф туғилиши мумкин бўлса, ўтмишга мос равишда муносабатда бўлиш имконини яратиш учун, муайян ҳаракат эркинлигини беради. Бундай вазиятлар тинч музокаралар ёки текшириш бўйича комиссиялар ишида юзага келиши мумкин.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши бундай вазиятда, 16-моддага биноан, жиноятнинг ХЖС томонидан таъқиб қилинишини тўхтатиб қўйиши мумкин [24]. Айблов органи адолат юзасидан, ХЖС Статути 53-моддаси 2-хатбошиси с) бандига мувофиқ текширишни давом эттиришдан воз кечиши мумкин [25]. Пировард натижада, қўшимчалик принципи сабабига кўра, истисноли экстремал ҳолатларда, агар давлат, акс ҳолда яраш ёки тўқнашиб турган томонлардан бирининг қуролни топшириши мумкин бўлмай қолиши сабабига кўра қаттиқ жиноятни таъқиб қилмаслик тўғрисида онгли равишда қарор қабул қилган бўлса, ХЖС ишни кўришга йўл қўйилмайдиган бўлиши мумкин.

Ундаш (ғаламислик) [26]. ХЖС Статути 25-моддаси 3-хатбошиси б) бандига кўра, халқаро жиноятни содир этишга ундаган шахс, жиноят содир этилганми ёки эндигина содир этиладими, бундан қатъий назар, жазога тортилади. Жиноятни содир этишга буюрган, яъни ҳарбий қўмондон ёки фуқаро бошлиқ бўлган шахс, шунингдек, ғаламислик билан жиноятга ундаган шахслар ҳам шунга киритилади.

Ғаламислик ундашнинг анча аниқ шаклидир. Бошқа шахсни халқаро жиноятни содир этишда ҳаракат қилишга ёки ҳаракатсизликка мажбурловчи шахс бошлаб берувчи ҳисобланади. Ғаламислик қилувчи шерикни жиноят содир этиш тўғрисида қарорга олиб келиш ҳолати асос бўладими ёки жиноят содир этишга тайёр турган шахсни гиж-гижлаб бўладими, деган масала баҳсли бўлиб қолмоқда. Сўнгиси кўпроқ қўллаб-қувватлаш ҳаракатигина ҳисобланади. Тўлиқ тартибга солиш учун жиноят судининг судлов амалиётини кутиш керак.

Ғаламислик, одатда, руҳий аралашув ёрдамида юз беради. Бироқ жисмоний таъсирни ҳам тасаввур этиш мумкин. «Занжир» бўйича ундаш ҳам мумкин, шерик тўғридан-тўғри даъват этмаслиги мумкин.

Шунингдек, ХЖСда ғаламисликнинг субъектив асосларини кўриб чиқиш қолади. Жуда бўлмаганда, ғаламис муайян қарор борасида қасддан ҳаракат қилиши зарур. У шерикни жиноят содир этишга олиб келишни хоҳлаши талаб қилинадими ёки у жиноят

содир этувчи буни, ғаламислик укубати сифатида кўпроқ эҳтимоллик билан қиладими, деб онгли фикр юритиб ҳаракат қилиши етарлими, деган масала баҳсли бўлиб қолмоқда.

Қўллаб-қувватлаш [27]. ХЖС Статути 25-моддаси 3-хатбошиси с) бандига кўра, халқаро жиноят содир этилишини бирон-бир шаклда осонлаштирадиган ёки уни содир этишда ёхуд содир этишга қасд қилишда қўллаб-қувватлайдиган шахс жиноий жавобгар бўлади. Жиноят содир этилишига қўшилган, унинг содир этилишини бирон-бир шаклда енгиллаштирадиган ёки унга бошқача қисман таъсир қиладиган барча ҳиссалар шунга киради. Жиноятни содир этиш учун восита бериш бунинг яққол мисоли сифатида айтиб ўтилган. Қўллаб-қувватловчи шахс жиноят содир этилган жойда бўлиши шарт эмас. Бундан ташқари, унинг ҳиссаси тўғридан-тўғри бўлмаслиги ҳам мумкин. Жиноятга қўшилган ҳисса асосий жиноятдан географик жиҳатдан ва вақт бўйича ажралган бўлиши мумкин.

Бу ҳисса жисмоний ва маънавий қўллаб-қувватлашдан иборат бўлиши мумкин. Ҳатто, жиноят содир бўлган жойда шунчаки бўлиш ҳам, агар жиноятчи шу тариқа жиноятда иштирок этишда ўзини дадил ҳис қилса, етарли бўлиши мумкин.

Ҳар қандай ҳолда ҳам ҳисса жиддий бўлиши даркор. Бироқ у жиноят сабаби бўлиб қолмаслиги керак.

Субъектив нуқтаи назардан қараганда, қўллаб-қувватловчи шахс ўзининг ҳиссаси жиноят содир этилишини қўллаб-қувватлаётганини билиши лозим. У жиноят содир этилиши осонлашишига кўмаклашишни ният қилган бўлиши керак. Бу БМТ жиноят судлари судлов амалиётига қиёсан чеклаш бўлиб, бу судларга жиноят содир этилиши енгиллашишини кўра билиш етарли эди. Бош иштирокчининг жиноят таркибида кўзда тутилган махсус нияtlари, масалан, геноцид жиноятида қириб ташлаш нияти жиноятни қўллаб-қувватловчида бўлмаслиги даркор, у бош айбдорнинг ниятини билган бўлишнинг ўзи етарлидир.

ХЖС Статути 25-моддаси 3-хатбошиси d) бандига кўра, жиноятга ёки жиноят содир этишга қасд қилинишига кўмаклашадиган, умумий мақсадга эга бўлган гуруҳ билан бир доирада ҳаракат қиладиган шахс жиноий жавобгар бўлади [28]. Бу қоида Римда суиқасд (фитна) сингари жиноятни камраб олиш мақсадида эришилган компромиссдир. ХЖС Статутига киритилган қоида, бундан фарқли равишда, халқаро жиноятнинг гуруҳ томонидан бевосита содир этилишини ёки, ҳеч бўлмаса, содир этишга қасд қилинишини талаб этади. Гуруҳ – ҳеч бўлмаганда уч кишидан иборат ҳар қандай бирлашма. Бу билан улар умумий мақсадни кўзда тутишлари даркор. Қўллаб-қувватлашнинг бошқа ҳеч қандай шакли томонидан яширилмайдиган ҳар қандай шакли жиноятга қўшилган ҳисса деб

ҳисобланади. Шунинг учун ушбу қоида учун ўз қўллаш соҳаси қоладими ёки йўқми, деган шубҳа бор.

Субъектив жиҳатдан олганда, қўллаб-қувватлаш тарзидаги ҳисса ё жиноий фаолиятда ёки халқаро жиноятларни содир этишда гуруҳга кўмаклашиш ёхуд гуруҳ ниятларини билганликдан келиб чиқиб, халқаро жиноятни мустақил содир этиш мақсади билан қўшилади.

Жиноят содир этишга қасд қилиш [29]. ХЖС Статути 25-моддаси 3-хатбошиси f) бандида ҳатто халқаро жиноятни содир этишга қасд қилишга ҳам жавобгарлик белгиланган. Иштирокчи ижронинг бошланиши учун муҳим бўлган ҳаракат қила бошлаши билан жиноят содир этишга уринган ҳисобланади. Жиноят содир этишга қасд қилиш ҳозирга қадар халқаро ҳуқуқ амалиётида роль ўйнамагани.

Жиноят содир этишга қасд қилишнинг шерик нуқтаи назаридан жиноят таркибининг ҳуқуқий қимматига аниқ таҳдид соладиган ташқи ҳаракати талаб қилинади.

Шунингдек, жавобгарликдан озод қилувчи ҳаракат билан қасд қилишдан бош тортиш имконияти (қасд қилишдан бош тортиш) ҳам кўзда тутилади. Бунда иштирокчи ё жиноятни бундан буён ижро этишдан бош тортиш ёки жиноят бажарилишини бошқа усуллар ёрдамида бартараф этиши даркор.

Халқаро жиноятни тайёрлаш, халқаро одат ҳуқуқи позициясидан фарқли равишда, жазога тортилмайди.

Бошлиқ ва тобе орасидаги муносабат. Бунинг асоси юқори ва қуйи турувчи шакллар муносабатининг ҳолатидир. ХЖС Статути 28-моддаси а) бандига кўра, ушбу таърифга ҳарбий кўмондонлар ёки ҳақиқатан ҳам ҳарбий кўмондон сифатида ҳаракат қилувчи шахслар киради, б) банди остида эса бошқа бошлиқлар камраб олинган. Улар, жумладан, давлат бошқарувида ҳаракат қилишлари мумкин, бироқ нодавлат соҳасида, масалан, партиялар, касаба уюшмалари ёки, ҳатто, корхоналар ва концертларда ҳам ҳаракат қилишлари мумкин. Чунончи, БМТнинг Руанда бўйича трибунали чой фабрикаси бошлиғини унга бўйсунувчи фабрика ходими томонидан содир этилган геноцид жиноятида айбдор деб топгани.

Бошлиқнинг қўл остидагилар устидан раҳбарий ҳокимиятининг ва назоратининг ҳолати бошлиқ билан унга тобе ўртасидаги муносабат асосидир. Бу эса, бошлиқ жиноятни бартараф этиш ёки жазолаш имкониятига эса бўлиши лозим, демакдир. Назорат ё *de jure*, яъни ҳуқуқий доиравий тартибга солиш орқали амалга оширилиши ёки *de facto*, яъни ҳақиқатан ҳам амал қилиши даркор. Ҳуқуқий тарзда қайд этилган ёки расман назорат шарт

эмас, ҳақиқий назорат етарли. Ҳуқуқ томонидан белгиланганидан ташқари бошқа чинакам назорат бошлиқ ҳисобига киритилади. Бошлиқ расмий даражага эга бўлмаслиги лозим.

Ҳокимият ваколатлари аниқ вазият доирасидан ташқарига *de facto* чиқиши даркор. Муайян барқарорлик ва назоратни ижро этиш зарур. Чунончи, буйруқ ва бўйсунишда чиндан ҳам амалга оширилиши лозим бўлган буйруқ занжири бўлиши зарур. Шунингдек, бўйсунмаслик интизомий жазо келтириб чиқариши кутилиши лозим.

ХЖС Статути 28-моддаси b) (ii) банди фуқаро бошлиқлар борасида жиноятлар бошлиқнинг чинакам жавобгарлиги ва назорати остида бўлган характерларга чиндан ҳам тааллуқли бўлишини талаб қилади. Шундай қилиб, бошлиқнинг назорати доимо хизматни олиб боришнинг ҳудудий ва вақт билан боғлиқ доиралари билан чекланиши аниқ белгилаб қўйилган [30].

Жиноятлар ҳақида билиш ёки совуққонлик билан билмаслик. Ҳарбий ёки квази-ҳарбий қўмондон, агар у жиноят тўғрисида билган ёки ўша вақтда амал қилган вазиятлар сабабидан у ҳақда билиши лозим бўлган бўлса, жинойий жавобгарликка тортилади. Кейинги муқобил учун қўмондон ўз вазифасини қонуний бажариб турганида қўл остидагилар томонидан жиноят содир этилгани тўғрисида хабар топган бўлармиди, деган нарса ҳал қилувчи бўлади. Бироқ у тасодифан хабардор бўлиб қолгани етарли эмас. Агар қўмондонда унинг қўл остидагилар томонидан жиноят содир этилиши хавфи мавжудлиги тўғрисида ахборот бўлган бўлса ёки ўзининг қўмондон сифатидаги вазифасини бажармаганлиги туфайли бундай ахборот бўлмаган бўлса, қўмондон ўз жавобгарлигини бартараф этиш учун текшириш ўтказиши даркор.

Фуқаро бошлиқ эса, аксинча, у қўл остидагилар халқаро-ҳуқуқий жиноят содир этганини ёки содир этишни иташганини билган бўлсагина, ёхуд агар у ушбу вазиятни билдирувчи ахборотга онгли равишда эътибор бермаган бўлсагина жинойий жавобгар бўлади. Шундай қилиб, фуқаро бошлиқ учун юқори даражада совуққонлик мавжудлиги талаб этилади. Фуқаро бошлиқ жавобгарлигининг бундай чекланганлиги бунда иерархии тузилма фуқаро тобенинг имкониятлари ва билими тор эмаслиги билан асосланади.

Зарур чораларни кўрмаслик. Айблов учун бошлиқ томонидан талаб этиладиган тегишли чоралар кўрилмаслиги бошланғич нуқта бўлади. Бошлиқ бир томондан, халқаро жиноят содир этилмасидан олдин унинг содир этилишини бартараф қилиш чораларини кўришга мажбур. Агар унинг қўли остидаги шахс томонидан халқаро ҳуқуққа қарши жиноят содир этиб бўлинган бўлса, бошлиқ жиноятни текшириш ва таъқиб қилиш учун бу ишни тегишли органларга ошириш даркор.

Агар бошлиқ ўз қўл остидаги шахс томонидан халқаро ҳуқуққа қарши жиноят содир этилганидан сўнг ишни тергов органларига оширмаса, ушбу халқаро жиноятлар учун ўзи жавобгар бўлади. Унинг ҳақли жазоси жазо чорасини белгилаш доирасида белгиланиши даркор.

Жиноий таъқибни ва тергов ҳаракатларни ўтган сана билан кўзғаш, агар бунгача ўз хизмат вазифасини бузиб, қўл остидагиларнинг жиноятини бартараф этмаган бўлса, бу ҳол бошлиқни жавобгарликдан озод этмайди. Бошлиқ ўз кучи етадиган чораларнигина кўриши лозим. Қандай чоралар кўрилиши зарурлиги ва мақбуллиги масаласида халқаро гуманитар ҳуқуқдан келиб чиқилади. Масалан, қўл остидагиларга халқаро гуманитар ҳуқуқни ўргатиш ёки ҳисобот, кузатув ва санкция билан таҳдид қилиш тизимини яратиш мумкин.

Қандай конкрет чоралар талаб қилинишини аниқ белгилаб бўлмайди. Бу, конкрет вазиятдан ташқари, айниқса бошлиқ ихтиёрида қандай назорат механизмлари борлигига боғлиқ.

Бошлиқ ишга солиши мумкин бўлган чоралар ҳақиқатан ҳам жиноятнинг олдини олиши мумкинмиди, деган масала баҳслидир. Буни «унинг камчилиги оқибати» деган сўзлардан чиқариб олиш мумкин, бу эса БМТ жиноят судлари суд амалиётига ва қолган халқаро одат ҳуқуқига буткул зиддир. Бу масаланинг ечими жиноят судининг ўз судлов амалиёти жараёнида топилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Тошкент. “Юридик адабиётлар publish”, 2023 й.
2. Бирлашган миллатлар ташкилоти Устави, <https://www.un.org>.
3. <https://lex.uz/docs/111453>
4. ХЖС Статути 25-моддаси 1-хатбошиси.
5. ХЖС Статути 2-модда 1-хатбошиси.
6. ХЖС Статути 25-модда 2-хатбошиси.
7. ХЖС Статути 6-8 моддалари.
8. ХЖС Статути 30-модда.
9. ХЖС Статути 21-модда.
10. ХЖС Статути 30-модда.
11. ХЖС Статути 31-модда 1-хатбошиси а) банди.
12. ХЖС Статути 31-модда 1-хатбошиси с) банди.
13. ХЖС Статути 31-модда 1-хатбошиси d) банди.
14. ХЖС Статути 33-модда.

15. ХЖС Статути 32-модда.
16. ХЖС Статути 31 -модда 3-хатбошиси.
17. ХЖС Статути 8-модда 2-хатбошиси а) бандининг б-кичик банди.
18. ХЖС Статути 21-модда.
19. ХЖС Статути 27-модда 2-хатбошиси.
20. ХЖС Статути 98-модда 2-хатбошиси.
21. ХЖС Статути 20-модда.
22. ХЖС Статути 2-модда.
23. ХЖС Статути 26-модда.
24. ХЖС Статути 16-модда.
25. ХЖС Статути 53-модда 2-хатбошиси с) банди.
26. ХЖС Статути 25-модда 3-хатбошиси б) банди.
27. ХЖС Статути 25-модда 3-хатбошиси с) банди.
28. ХЖС Статути 25-моддаси 3-хатбошиси d) банди.
29. ХЖС Статути 25-моддаси 3-хатбошиси f) банди.
30. ХЖС Статути 28-модда а), в) ва б) (ii) бандлари.